



1931 йилдан чиқа бошлаган

2001 йил 15 сентябрь, шанба

Баҳоси сотовуда эркин нархда

№ 73 (7372)

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

14 сентябрь куни Жиззахда II чакирик Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Жиззах вилоятидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутг ёзлади:

Жиззах вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш қувватлари, табиий бойликлари билан ҳам мамлакатимиз ҳалқ ҳўжалигида алоҳида ўрин эгаллайди. Энг муҳими, унинг ўзига хос қиёфасини, мавқе-эътиборини мана шу саховатли заминда яшайдиган заҳматкаш инсонлар, уларнинг акл-заковати, фидоилиги, эл-юрт ишига садоқати белгилайди.

Жиззах эли ўзининг олижоноб хусусиятларини намоён этиб, доимо озодлик ва эркинликка интилиб келган орияти, гурури баланд ҳалқ. Бу кадим заминда қанча-қанча фан ва маданият намояндлари, атоқли адаб ва шоирлар, ишлаб чиқариш илфорлари етишиб қиқкан.

Айниқса, мамлакатимиз тарихида ўчмас ном колдирган буюк инсон Шароф Рашидовнинг нафакат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур шахс бўлганини, унинг хизмат-

байнида солик ва бошқа мажбурий тўловлар мўлжалдагига нисбатан қарийб 3 миллиард сўмга кўпайгани, пул эмиссияси белгиланганидан анча паст бўлиб, иккى йил мобайнида 15 фойзга камайганини ҳам олиб борлаётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Кейинги йилларда вилоятда саноатнинг изчили тараққиёти учун пухта замин яратилмоқда. Бугунги кунда бу ерда ўнлаб йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоядат чет эл сармояларини жалб этиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди, — деди Ислом Каримов. — Хусусан, 2001 йилнинг олти ойи мобайнида вилоят иқтисодиётига 11 миллиард сўм миқдорида хорижий сармоя киритилди. Бу кўрсаткич ўтган йилда 1 миллиард сўмни ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борода ўсиш кўзга ташланётгани аён бўлади.

Чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда барпо этилаётган "Ўзэксайд", "Жиззах ЛРС Пласт" каби қўшма корхоналар ишга тушгач, вилоятнинг республикализм иқтисодиётидаги хиссаси янада ортиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркиби ўзгаришлар саноатидир.

Жорий йилнинг 6 ойи мо-

тида ҳам ўз ижобий натижаларини бермокда. Биргина ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоят бўйича иккى баробарга кўпайиб, 21 миллиард сўмга етгани бунга яққол далил бўла олади.

Истиқлол йилларида юртимизда бошланган "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" деган ҳаракат бугун ўзининг ижобий самарасини бераётгани барчамизни кунонтиради, дея фикрини давом эттирид Юртбошимиз. Бундай бунёдкорлик ишларини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги вақтда бу ерда барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 56 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, бир миллион квадрат метрдан зиёд ўйжой, 45 та қишлоқ врачлик пункти, 24 та мактаб, 13 та замонавий касб-хунар коллежи курилиб фойдаланишга топширилди.

Ўрта Осиёда ягона бўлган спорт мажмусаси — Олимпия заҳиралари колледжининг барпо этилиши, марказий стадионнинг тўла таъмирдан чиқарилиши, янги қурилган "Маннавият ва маърифат" маркази. Истиқлол боғи, маҳалла гузарлари, замонавий коллеж ва лицейлар, сунзаш ҳавзалари, теннис кортлари каби янги-янги ишоотлар бугунги кунда Жиззах шаҳри

киёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Айниқса, юзлаб ўғил-қизларимиз ўзларининг спорт маҳоратини намойиш этган биринчи "Баркамол авлод" спорт ўйнларининг мана шу шаҳарда катта муввафқият билан ўтгани нафакат вилоят, балки мамлакатимиз спорти тархида катта воқеа бўлди, деб таъкидлadi Президент.

Вилоядат шаҳар ва қишлоқларнинг инфратузилмасини яхшилаш, шу орқали одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносаби турмуш шароити яратиб бериш мақсадида қарийб 750 километр газ ва 405 километр ичимлик сув узатиш тармоклари ишга туширилди.

Вилоядат амалга оширилган ишларни сархисоб қилас эканмиз, кўзга ташланётгандан мухим бир масалага ўтиборни жалб қилиш лозим, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов. Кейинги йиллар давомида шу юртда яшайдиган одамларнинг онгу тафаккурида ижобий ўзгаришлар юз бергани, уларнинг меҳнатга, ерга, мулкка, умуман ҳаётга бўлган муносабати ўзгариб, ўз кучи, ўз салоҳиятига ишончи ортиб бораётганини биз эришаётган ютукларнинг омили бўлмокда.

(Давоми 2-бетда)


Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбиянинг ноанъанавий шакл, самарали усуслари ҳамда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланаётган, доимо изланинг, ўз касбига ижодий ёндашадиган мураббийлар талайгина. Самарқанд вилояти Нарпай туманинда 22-болалар боғчаси тарбиячиси Замира Кодирова ҳам ана шундай жонкуярлардан биридир. У ўзига хос ажойиб фазилати, назокати, болажонлиги билан бошқалардан ахралиб турди. З.Кодирова "Йил тарбиячиси-2000" кўрик-танлов фестивалида иштирок этиб, "Дидли тарбиячи" номинацияси бўйича голиб бўлди.

Суратда: "Дидли тарбиячи" Замира Кодирова.

**Равиль АЛЬБЕКОВ
олган сурат**



СҮНГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асари грек тилида чоп этилди.

БИРЛАШУВГА ЯНА БИР ЧОРЛОВ

Шу йилнинг 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган террорчилик ҳаркатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Беённома эълон қилди. Унда минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ушбу гайриинсоний террорчилик хуружи Ўзбекистон ҳалқини қаттиқ газаблантиргани ҳамда чуқур ларзага согланлиги таъкидланган. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг АҚШ Президенти Жорж Бушга йуллаган мактубида ҳам бу ваҳшӣна кўпурӯччилик кораланиб, унга қарши курашда бирлашиш зарурлигига алоҳида ургу берилган.

Шунингдек, Баённомада Ўзбекистон бир неча бор нуфузи ҳалқаро анжуманларда терроризмга қарши курашувчи маҳсус ҳалқаро тузилма ташкил этиши

**АҚШда содир этилган хунрезиллар тафсилоти билан
12-бетда танишасиз.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Америка Кўшма Штатлари Президенти номига Нью-Йорк, Вашингтон ва бошқа шаҳларда бўлиб ўтган террорчилик ҳаркатлари оқибатида ҳалок бўлганларнинг оиласаларига ҳамдардлик изҳор этилган мактубини йўллади.

Қозогистоннинг Алмати шаҳрида Шанҳай ҳамкорлик ташкилотига азъо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг учрашувида мамлакатимиз бош вазiri Ўткир Султонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси АҚШдаги фожиали воқеалар муносабати билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 декабридан қарори билан маъқулланганини ҳамда бу ташаббусни кўпигина мамлакатлар кўллаб-қувватлашларига қарамай, амалга оширилмаётганини таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси АҚШдаги фожиали воқеалар муносабати билан БМТ Хавфизлик Кенгашининг террорчилик тажовузларини қораловчи ва Бош Ассамблеяининг 56-сессияси очилиш кунин қабул қилинган фавқулодда қарорига мувофиқ БМТ Бош котибига террорчиликка қарши кураш ҳалқаро марказини ташкил этиш учун амалий ва кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш таклифи билан мурожаат қилди.

ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртбошимиз ўз нутқидаги вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ривожи билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ислоҳотларни чукурлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинаётганини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда вилоядада умумий маҳсулот ҳажмининг ўсишига эришилгани, хусусан, стратегик хомашё – пахта ва фалла етишириш ҳажми қарийб 30 фойзга ошгани диккатга сазовордир.

Лекин, афсуски, қўлга кирилтган ютуқлар билан биргаликда соҳада қатор камчилкларга ҳам йўл кўйилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдади, Жиззах вилоятида бу борада ўз ечимини кутиб турган бир қанча масалалар бор, деди Президент сўзида давом этиб. Вилоятда қишлоқ хўжалик экинлари учун ажратилган майдонларнинг ер ва иклим шароитини инобатга олиб, эртапишар, серҳосил, янги, истиқболли ўза ва фалла навларини танлаш, ана шундай хусусиятларга эга бўлган уруғлини тезроқ кўпайтириш масаласига кўпроқ эътибор бериш зарур.

Бу соҳада олдимизда турган барча муаммоларнинг ечими негизида – ерни дехқонга ижарага бериш, фермер ва дехқон хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш мужассам эканини бугун ҳётнинг ўзи исботламоқда.

Чунки ўзига қонуний равишда ажратиб берилган ерда ишлаб, ўзининг ҳалол меҳнатига қараб ҳақ оладиган дехқон унга бор меҳрини беради, даласини шўрга ҳам, бенога ўтга ҳам бостириб кўймайди.

Афсуски, бაъзи раҳбарлар бу масалага юзаки қараб, хўжалик юритишининг замонавий шакли бўлган ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлири ривожига кенг йўл очиб бермаяпти.

Холбуки, вилоятнинг Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманларida ҳар гектар пахта майдонидан 35-40 центнердан, ҳар гектар фаллазордан эса 45-50 центнердан ҳосил олётган хўжаликлар мулчиликнинг бундай шакли нечоғли афзал эканини амалда на мойиш этмоқда.

Мана, битта мисол: Дўстлик туманидаги Омонбай Абдулаев бошлилк килаётган "Машъал" фермер хўжалиги ўтган йили ҳар гектар майдондан 46 центнер пахта, 51 центнердан фалла ҳосили олди. Туман бўйича эса пахтадан ўртача 18 центнердан, фалладан эса 33 центнердан ҳосил етиширилган, холос.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин мана шу далилнинг ўзиёй ишни янгича ташкил этиш, иш юритишининг замонавий, илгор шаклларига кенг йўл очиш дехқонларда ерга эгалик хиссини уйғотиши, ердан тўғри ва самарали фойдаланишга хизмат қилишининг амалий исботи эмасми?

Эскидан, ота-боболари миздан қолган бир нақл бор-

ки, у ҳақда бугун гапирмасак бўлмайди, – деди Ислом Каримов. – "Ерни боксанг, ер ҳам сени бокади" деган ҳикмат барчамизга маълум.

Бугун қишлоқ хўжалик соҳаси тақдирини ҳал қилувчи масалалардан энг муҳими – бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласидир.

Вилоятда жами 300 минг гектар суғориладиган ер майдони бор. Вилоятнинг қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратилган сув миқдори етиши маслигини ҳаммамиз яхши биламиш. Жорий йилда вужудга келган кургоқчилик туфайли сувга эҳтиёж бўззи туманларда борйиги 70-80 фойзга қопланди.

Бу вазиятни енгиллаштириш мақсадида Жиззахдаги З-магистраль канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти оширилди ва Жиззах сув омборига қўшимча сув тўплаш мумкин бўлди. Бу 2002 йилда 30 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилаш имконини беради. Хукумат қарори билан Арнасойда сув омбори курилиши олиб борилмоқда. Бу йирик сув ҳавзаси умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этадиган Мирзачўл, Арнасой ва Фориш туманларидаги экин майдонларини суғоришини яхшилашга хизмат киласди. Вилоят қишлоқ хўжалиги сув таъминотини яхшилаш учун 213 километрлик Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган сув ўтказиш тармоғи курилишини жадаллаштириш даркор.

Лекин амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда вилоядада сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув сарфини назорат қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалигида янгича ишлаб чиқариш муносабатларини карор топтириш ҳақида сўз юритиб, Юртбошимиз бу муносабатларнинг хукуқий асослари, жумладан, тузилаётган шартномалар ва уларга риоя килиш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўп ҳолларда ширкат хўжаликлари билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилаётган шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари, уларни бажариш учун жавобгарлик масаласига етарлича аҳамият берилмайти. Бу эса дехқонларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Пахтакор туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги шартномада белгиланган 94 тонна ўсимлик ёғининг атиги 16 тоннасини олган бўлса, шу тумандаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги, "Аҳмад ота" ва "Фаллакор" фермер хўжаликлари ўсимлик ёғи ва кунжаранинг бугунгача бир килосини ҳам ололмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу пешона тери тўкиб, ҳосил етишириуву дехқонга нисбатан беписандлик, керак бўлса, зўравонлик эмасми? Бундай ишларга асло йўл кўйиш мумкин эмас, деб уқтириди мамлакатимиз раҳбари.

Дехқон ва фермер хўжаликлари кредит ажратиш, уларни уруғлик, техника, ёқилғи, ўғит билан таъминлаш, турли идора ва ташкилотларда сарсон бўлишига йўл кўйишилик, хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

масаласида ҳали кўп иш килишимиз лозим.

Қишлоқ хўжалик соҳасида бугун мавжуд бўлган ахволни баҳолар эканмиз, бир нарсага ишончим комил. Жиззах дехқонлари ҳеч кимдан кам бўлмасдан бу йилги мавсумда ўзини албатта кўрсатади, деб ишонч билдирид Президент.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни кўллаб-куватлаш мухим ўрин тутади. Бугунги кунда Жиззах вилоятида 9 минг 500 га яқин кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси эътиборлики, бу ерда ҳар минг нафар меҳнатга лаёқатли кишига 16 та кичик ва ўрта бизнес субъекти тўғри келади. Бу мамлакат бўйича ўртacha кўрсаткичдан анча кўп демактир. Бундай корхоналарнинг вилоят бўйича ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фойзни ташкил этади.

Юртбошимиз бу масалада вилоядада катта иш қилингани, лекин бу корхоналарнинг аксарияти тихорат билан эмас, бевосита ишлаб чиқариш билан шугууланишига эришиш кераклигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Үтган ярим йил мобайнада вилоядада кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан 120 миллион сўм кредит ажратилган. Лекин Жиззахдек катта вилоят учун бу етарли эмас.

Чунки бу нафакат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлган масаладир. Одамлар, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, ҳамма жойда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам доимий диққатимиз марказида бўлиши лозим.

Вилоят аҳолисининг 70 фойзи қишлоқ жойларда яшайди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони йилига 10 минг кишига ортиб бормоқда. Бу эса, ўз нафатида, янги иш ўринларини яратиш, уларнинг таркибий тузилиши ва туманлар бўйича яхшилашви билан бўғлиқ ишларни ҳаёт талаблари асосида ташкил этишни такозо киласди.

Бу оғир муаммонинг ечими, энг аввало, одамларнинг, биринчи галда, ёшларнинг файратшижоатини дехқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес соҳасига, хизмат кўрсатиш тармоқларига сафарбар этишида эканини бугун замонининг ўзи исботламоқда, деди Ислом Каримов сўзини давом этириб.

Вилоядада қишлоқ хўжалиги соҳасида ёш кадрлар билан ишлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Буни соҳада хизмат қилаётган 30 ўшагача бўлган раҳбар ходимлар фақатгина 20-25 фойни ташкил этишидан ҳам билса бўлади.

Жиззах воҳасида замон таборларини пухта ўзлаштирган, эл-юртига садоқатли, ҳалқ дарди билан яшайдиган ташаббускор ёшлар кўп. Ана шундай ваҳидни ташаббускор бўлган йўлини очиб бериш, уларга масъулиятили лавозимларни ишониб топшириш керак.

Сўнгти йилларда Жиззах вилоядида янги мактаблар, лицеи-коллежлар, маданият масканлари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда, аҳолининг соғлигини сақлаш, турли хилюқумли касалликларнинг олдини олиш, қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, даволаш ва профилактика муассасаларининг моддий-техникавий негизини яхшилаш мақсадида вилоят юқумли касалликларни шифохонаси, онкология, руҳий-асаб касалликлари ва эндокринология диспансерлари замонавий биноларга кўчирилди, бир қатор даволаш таъмирларни ҳурмат билан тилга олиб ўтди.

Лекин бу соҳадаги ахволни тўлиқ ижобий баҳолаб бўлмайди. Вилоядада ҳали таъмирга муҳтож, тоза ичимлик суви, табии газ билан таъминланмаган мактабда шифохоналар ҳам йўқ эмас.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва табии газ билан таъминлашни яхшилаш масаласига ҳам эътиборни кучайтириш зарур.

Бугун хукукий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ўйидан бораётган эканмиз, бунда конун устуворлиги биринчи ўринда туради, деб таъкидлари Президентимиз. Конун олдида ҳамма, ҳар қандай инсон – қандай вазифа ва мартабада ишлаши ва ким бўлишидан қатби назар – тенгдир. Хаётимизда мана шу қоиднинг амал қилишига эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида хукукий билим, хукукий онгни, хукукий маданиятни юксалтишига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган олтичини сессиясида ана шу муҳим масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Хусусан, суд-хукуқ тизимини ислоҳ этиш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш орқали жамиятда адолат устуворлигига эришиш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Эндики асосий вазифа – ана шу қабул қилинган хукукий хужжатларни изчиллик билан, оғишмай ҳаётга татбиқ этишдан иборат, деди давлатимиз раҳбари.

Хеч шубҳасиз, вилоят раҳбарининг мана шундай ишлар билан ўзини кўрсатишида, таъбир жоиз бўлса, уни тарбиялашда, вилоядада кўзга кўпгина синовларни, қийинчиликларни енгил ўтиш жараёнида тобланди, тажриба оғизларни таъкидлари.

Хар қайси вилоят ёки туман, шаҳар-қишлоқнинг ўзига хос қиёфасини, мавке-эътиборини ана шу жода яшайдиган меҳнаткаш, омилкор, фойдой инсонлар белгилайди. Шуни мавнуният билан айтиш керакки, Жиззах вилоятида бундай одамлар кўплаб топилади.

Президент Ислом Каримов ана шундай юртдошларимиз қаторида: Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Ҳ. Носиров номидаги жамоа хўжалиги изчиллик ижарачиси П. Зиётов, Мирзачўл ва Жиззах туманлари ҳокимлари – М. Аноробоев ва К. Кобилов, "Жиззах ЛРС Пласт" кўшма корхонаси директори А. Зиёев ва бошқалар сўзга чиқди.

Маълумки, бошланғич таълим ўқувчиларнинг ақлий ривожланишлари, ижодий фаолиятлари, қобилияти, маънавий фазилатларини ривожлантириб боришга асос яратади. Бу даврда керакли "озика"ни бера олмаслик боланинг келажақда ҳам ақлий, ҳам руҳий жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир күрсатади.

Афсуски, таълимда шахснинг ривожланиш жараёнини назорат қилиш эмас, балки күпроқ натижани кўзлаб иш тутиш ҳали ҳамон давом этмоқда. Бу эса боланинг зўриқишига, ўқищдан безишига, тафаккурининг чекланишига олиб келади. Болаларнинг ёш психологияси, хусусиятлари ҳисобга олинмай, уларга назарий билимлар берилмоқда, бу билимлар эса маълумот тарзида, репродуктив усулда етказиляпти.

Бу даврда менимча, шу нарсага жиддий эътибор бериш лозимки, дарс жараёнинда ёш болаларга ҳар қандай маълумот "тәйёр" ҳолда етказилса, бола фикрлаш қобилиятини йўқотиб

Fikr, mulohaza, taklif

кўра ҳиссий /интуитив/ билиш билишнинг олий шакли деб хисобланган. Болага бериладиган таълим унинг тани, вужуди, руҳиятини мувофиқлаштириб турувчи "табиий жараён"га боғлиқ бўлиши керак. Акс ҳолда боланинг руҳий кечинмаларига шикаст етказиб қўйиш мумкин. Болаларни ёшлидан китоб билан боғлаб қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида огохлантирган буюк Ибн Сино айнан шу ҳолатларни назарда тутади.

Боланинг ҳар бир ривожланиш босқичида унинг руҳий, ҳиссий кечинмалари, тафаккур қилиш, ҳиссий идрок қилиш имкониятлари орқали уларни табиат оламига, билиш оламига етаклашда дарсликнинг ўрни қандай ва боланинг моторик (дикқат), сенсорик (хис қилиш) қобилиятиларини ривожлантириш таълимнинг асоси бўлса, дарслик ана шу муҳим вазифани бажара оладими?

ши ва таълим соҳасига, ўкув жарайёнига янгиликлар киритиши, кўрсатмалар бериши мумкин. Ана шундай билим бўлмагани учун ҳам айрим мутахассислар томонидан турли дарсликлар, янгиликлар киритилиб, ҳар хил тавсиялар бериляпти. Бундай ҳолат ўзимизнинг келажагимизга болта уриш билан баробар, деб ўйлайман.

Шу боисдан ҳам таълимнинг дастлабки босқичида мақсад фақат билим бериш бўлмаслиги керак. Балки, маълум бир билимлар орқали боланинг ҳис-туйғуларини уйғотиш, руҳий оламини гўзаллик, әзгулиқ билан бойитиш орқали таълимнинг асосини ташкил этиш муҳим масаладир.

Болаларнинг табиат сирлари, ҳаёт қонуниятлари билан мумкин қадар қуруқ сўзлар билан эмас, балки рамзлар, ишоралар орқали танишиб боришилари муҳимдир. Борлик қонуниятлари шаъма, қочирим, истиоралар орқали

МУАММОНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ КИЛИШ МУМКИН

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 2 июнь сонида профессор Комил Турсынметов, фанномзодлари Мавлуда Нишонова ва Шоҳдор Аҳмедовларнинг "Физиканинг бугунги муаммолари" сарлавҳали мақолалари босилган эди.

Мазкур мақолада республикамиз ҳалқ таълимидаги хизмат қилаётган физика ўқитувчиларининг айни кўнглидаги гаплар ўз ифодасини топган ва ундан барча тақлифларни амалий аҳамиятга эга бўлганлиги учун ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Мақола Бухоро Давлат университети умумий физика кафедрасида шу йилнинг 2 июннинг 18:00-шасида ўрганилиб, кенг муҳокама этилди. Мақолада олдинга сурилган тақлифлар тўла қўллаб-қувватланди. 33 йилдан бўён олий ва ўрта таълим тизимида физика фанидан дарс берётган ва шу соҳадаги муаммолардан хабардор, айни бақтда физика ўқитувчиларини тайёрлашга масъул ходимлардан бирни сифатида қўйидаги фикр ва тақлифларимизни бермоқчимиз:

— "Физиканинг бугунги муаммолари" мақоласида муаллифлар кўтариб чиқсан масалалар ниҳоятда долзарб бўлиб, улар томонидан тақлиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириши ҳаётий заруратидир.

— Кўтаммо салҳатидан Aks-sado риглан муғоги жижуда кенг бўлиб, бу муаммони жойларда тузилган баъзи тадбирлар билангина амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун ҳукумат даражасида жуда пухта ўйланган чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.

Шу мақсадда Олий ва ўрта маҳсус таълим ҳамда Ҳалқ таълими вазирликлари томонидан 2001 йилнинг охиригача "Физикани ўқитиш: муаммолар ва ечимлар" мавзусида 1-республика илмий-амалий анжумани ўтказилишини тақлиф этилди.

Анжуманда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан физика ўқитувчилари тайёрлайдиган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва ўрта таълим тизимида меҳнат қилаётган фидоий физика ўқитувчиларидан ташкил топган тенг сондаги делегациялар жойларда муҳокама этилиб, пухта ишлаб чиқилган, аниқ тақлиф ва режа-тадбирлари билан иштирок этсалар, барча тақлиф ва танқидий фикрлар атрофлича, шошилмасдан муҳокама этилса ва шу асосда қарорлар қабул қилиниб бу қарорларнинг бажарилши ҳукумат даражасида назорат этиладиган бўлса, ўйлаймизки, муаммолар тез орада ўз ечимини топади.

Анжуманга ҳақиқий ишchan руҳ берилиса, унинг ишида (бошидан охиригача) Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси, Фанлар академияси, Давлат тест маркази, вилоятлар ҳокимликлари, манбаатдор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, матбуот, радиоэшириши ва телевидение ходимлари тақлиф этилсалар ва уларнинг ҳам бу масалага муносабатлари тингланса, фойдали бўларди.

Аминманки, пухта тайёргарлик кўриб, шу соҳанинг ҳақиқий жонкуярлари иштирокида ўтказиладиган бундай анжуман физика фанини республика олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитилиши самарадорлигини оширишида кескин бурилиши ясайди. Бу эса ўз навбатида жамиятимиз тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Туроб Жўраев,
Бухоро Давлат университети
умумий физика кафедрасининг
муддири, доцент

ПЕДАГОГИКАДА ФАЛСАФИЙ ФИКР ВА МАҲОРАТ

боради, тафаккури чекланади, унинг қалби руҳий эҳтиёжлари, ҳис-туйғулари билан кўмилиб кетади, мустақил ўз фикрига эга бўлишдан, тафаккур қилишдан маҳрум бўлиб қолади. Биз болаларга бирор мавзуни "мана шундай" деб ўргатамиз. Ўргатганларимизни эса болалардан тўтиқушдек тақрорлаб беришларини талаб қиласиз.

Бундай ҳолатнинг доимий давом этиши ва шу ҳолатда боланинг ўсиши, ривожланиши уни келажақда "зомби" (автомат) бўлиб қолишига олиб келади. Чунки ишдан мустақил фикрлашга йўналтирилмаган бола фақат тәйёр кўрсатма (диктобка) билан, унинг таъсиррида ўсади.

Таълимнинг дастлабки босқичида ёш болаларни турли хилдаги қизиқарли ва ҳаракатли ўйинлар орқали, шунингдек, мусиқа, расм, эртак, театрлашган саҳналар орқали билишга ўргатиш (бода билим олаётганини сезмайди, ўз-ўзидан келакли билимлар сингдирилади) мақсадга мувофиқдир. Чунки, бола образлар орқали тасаввур қилиш, ўз қўли ва меҳнати билан ўзлигини англай бошлайди. Хўш, таълим тузилиши, ўкув жараёнини, дастур ва дарсликларни ана шу мақсадда тузиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Бу саволга муфассал жавоб топиш учун бир неча аср илгари қарор топган Шарқу Фарб фалсафасига, донишмандларнинг фикрига мурожаат қилишга тўғри келади. Зоро, инсоният оламини ўрганишида улар кўйган пойдевор ҳали ҳам ўз ўрнида мустаҳкам турибди. Шарқ классик фалсафасига

инсонни фақат болаликда эмас, балки бутун ҳаётини төрсан англаганимиздагина биз болага тўғри таъсир кила олишимиз мумкин, дейди буюк файласуфлардан бири Р.Штейнер.

Дарҳақиқат, буюк мўжиза ва буюк мавжудот бўлган инсоннинг ўзига хос ва мос бўлган ҳиссий кечинмалари, руҳий оламлари, "мен"лигини англаш ва унинг учун дастур, дарсликлар яратиш, таълим бериш ёнгил эмас, албатта.

Мактаб даврига тўғри келган боланинг 7 ёшлик даври унинг психик ҳаётининг қайси бир жиҳатини олиб қарамайлик, у доимий, тўхтовиз рашвида бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб бораверади. Бу ҳолатларнинг ижобий ёки салбий томонга йўналиши интеллектга, ҳиссиятга ва ижтимоий муносабатларга боғлиқ. Ж.Пиаженинг ана шу фикрларини давом этирган немис файласуф Р.Штейнернинг фикрича, агар бола ўқиш ва ёзишга эрта ўргатилса, унинг жисми кучиз, нимжон бўлишига олиб келар экан. Чунки бу даврда бола ўзининг табиат томонидан "мўлжалланган" жисмоний ривожланишига сарф бўладиган ички кучини ўқиш, ёзишга сарфлаб юборар экан.

Ушбу фикрлардан шундай холосага келиш мумкини, ҳар бир тарбиячи, ўқитувчи, методист ва олим кенг маънода файласуф бўла олиши, табиий-илмий, диалектик қонуниятларга амал қилган ҳолда боланинг ана шундай ривожланиш қонуниятларини англай олгандаги болага яқин бўлиши ва бола учун дастур, дарслик яратади.

Инсонни фақат болаликда эмас, балки бутун ҳаётини төрсан англаганимиздагина биз болага тўғри таъсир кила олишиб келиши, ўз тасаввур қилиши, ўз тасаввурларини бўёқларда акс эттириши керак.

Шу ўринда ўқитувчи кадрларни тайёрлашда бир нарсага жиддий эътибор бермоқ лозим, деб хисоблайман. Тан оламизми ўқуми, бутун Олам тарбиячиси Аллоҳ. Бу тарбияни билмай туриб, болага — инсонга тарбиячилик қилиб бўлмайди. Шундай экан, онгимиз олам ҳақида, инсон ҳақида фалсафий Фикр юрита олмас экан, биз педагогик касбдан йироқ бўлиб қоламиз.

Педагог — донишманд бўлиши керак. Тарбиячи донишманд бўлиши учун эса донишмандлар яратган ҳазиналардан озиқланган, дунёқараши билан ўйғун бўлмоғи лозим. Зотан, Илоҳ билан яқинлашган Навоий, Ибн Синоларни ўқимасдан туриб, Жалолиддин Румий яратган фалсафани билмасдан туриб ҳеч ким тарбиячи-ўқитувчи бўла олмайди.

Инсонни, оламни англаган "донишманд" бола учун шундай таълим жараёнини ташкил этадики, шундай дарсликлар яратади оладики, бола таълим жараёнинг, дарсликка хизмат қилмайди, балки таълим, дарсликлар бола учун хизмат қила олади. Демокчимизки, фақатгина педагогика соҳасига тааллуқли бўлган олий ўкув юртларида эмас, гуманитар йўналишдаги бошқа олийгоҳларда ҳам ана шу ҳазиналардан баҳра олиш кенг кўламда йўлга кўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юлдуз АМИРЖОНОВА,
РТМ етакчи методисти

СИЗ ШУНДАЙ БҮЮКСИЗ, МУАЛЛИМ!

Болага бир ҳарфни үргатиши ёки оддий воқе-ликни үқувчига үддабурон-лик билан етказиш осон юмуш эмас. Шу бойынша ҳам үқитувчилар машаққаты ва шарафли касб әгалари дея шарафланган, әл-юрт әзізозида бүлган. 1997 йилдан башлап эса Ватанимизда ҳар йили 1 октябрь — Үқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрамы сифатыда көнг нишонланып олады. Буни давлатимизнинг алохидасы әзтибиори, үқитувчи ва мураббийларга күрсатаётган юксак әхътироми, деб баҳолашмиз жоиз. Зоро, ҳар йили байрам арафасыда мөхнати халққа манзур бүлган ҳамда айни пайтда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда ўрнак күрсатаётган бир гурух, маорифчиларнинг давлатимизнинг юксак мүкофотлари ва үнвонлари билан тақдирланиши үқитувчиларимизга буюк әхътиром күрсатылаётган лигини яна бир бор исботлайды.

Бунга жавобан бугунги кунда үқитувчиларимиз республикада таълим-тарбия тизимини такомилластириш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, ёш авлод онгидагы юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлык ва истиқлолғояларига садоқат рухида тарбиялашга құштан муносиб ҳиссаси ҳамда үзининг фидойилиги билан көнг жамоатчылык иззат-хұрматыга сазовор бүлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мустақил диәримизда байрамлар күп. Улар ичида энг ардокларидан бири үзгача күтаришкін рух, қызғын ҳозирлар күрілған ҳолатта үтказылады. Қадим-қадимдан әл-юрт ҳұрматыга сазовор бүліб келаётган, айниқса, мустақиллік даврида янада қадр-қиммат топаётган, ёш авлодни юксак маънавий қадрияттаримизга содиқлық рухида тарбиялаб, уларни замон талаблар даражасыда билимлар билан қороллантиришда үз ҳиссасини құшашаётган устоз ва мураббийлар байрамидир. Уларни халқ "Устоз — отанғдан улғар" деб әзізозлайды.

Устозларнинг устози, буюк аллома Абдурахмон Жомий эса улар мөхнати қуйидагича баҳолаган:

Дүнёда бўлмаса
муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди
тўгузал бу қадар.

Шу ўринда ўзбек ҳалқининг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўз фарзандлик, шогирдлик бурчини адо этиб:

Оlamda kўp эрур
муборак онлар,
Табаррук зотлар
гарчанг кўp эрур.

Сиздан бошланади
асли тафаккур,
Мунис муаллимлар,
Сизга ташаккур,

— дея муаллимларни ос-

мон қадар улуглайди.

Оналар ва болалар йили бўлмиш 2001 йилда "Үқитувчи ва мураббийлар" байрами алохидасы қутаринки рухда, сермазмун, устоз-мураббийларга катта қувонч ва шодлик бағишлидиган ҳолатда нишонланишига қызғын ҳозирлар күрілмоқда.

Зотан, бу шодиёна юрт келажагини белгиловчи фарзандларимизнинг камоли йўлида ўз роҳатидан кечган үқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларни жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонлар - устозларни улуглашга бағишлиланғанлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунинг учун байрамни намунали үтказища барча мутасадди ташкилотлар ўз ҳиссаларини құшмоқлар даркор.

Байрам үтказувчиларга ёрдам сифатыда қуйидагиларни тавсия этамиш:

I. ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

1. Байрам тантаналари очиқ ҳавода ёки мактаб катта залида үтказыши лозим. Жой дид билан байрамона безатилиши жоиз. Соғлом авлод йили, устоз-мураббийларни әзізозлаб, улугловчи ибратли сўзлардан, буюк алломалар ва Президент Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзларидан намуналар, юртимизнинг, халқимизнинг XXI аср бўсағасида кўлга киритган зафарлари, мустақиллігимизнинг 10 йиллик қисқа даври мобайнида эришган ютуқлари, миллий ғоя ва мағкурамизга доир, уларни тарғиб этувчи шиорлар билан жиҳозланиши лозим.

2. Мактабларда, мактабга-

ча таълим, мактабдан ташқари муассасаларда, академик лицей, касб-хунар коллежларида, үқув юртларида, маҳаллаларда, корхоналарда. Үқитувчилар ва мураббийлар куни байрамини үтказиши ўсип келаётган ёш авлодни тарбиялашда ҳалқимизнинг устоз-мураббийга бўлган муносабатларининг энг яхши намуналари мисолида үқувчи-ёшлар, умуман, инсонлар дунёқарашини шакллантириша катта аҳамиятта эга. Шунинг учун ҳам жамиятнинг фаол онгли шахсini тарбиялашга ёрдам берувчи үқитувчи ва мураббийлар халқ педагогикаси, алломалар ўғитлари асосида уларнинг ахлоқодобга, билимга бўлган қарашларини ривожлантириша жиҳдий әзтибор бер-

Tavsiya

моқ лозим.

3. Үқитувчи ва мураббийлар куни байрами тантаналарида ота-оналар, маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, ёзувчи, шоирлар, санъат аҳли, ҳомий ташкилотлар, фахрий үқитувчилар, "Умид", "Камолот", "Улуғбек", "Маҳалла", "Нуроний", "Устоз", "Олтин мерос" каби жамғармалар, оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этиш керак. Байрам доирасида дарс, тарбиявий соат, семинар-кенгаш, адабий-бадиий ва илмий кечалар, учрашув ва давра сухбатлари үтказилиши мумкин.

4. Байрам тантаналари "Устоз - отанғдан улғар", "Устоз ва мураббийлар, сизларни шарафлаймиз", "Мен севган устоз", "Агар ҳаёт бўстон бўлса, бобон муаллим", "Устозлар куни — умумхалқ байрами", "Үқитувчи — қалб меъмори", "Сиз шундай бўюксиз, муаллим", "Муаллим — жамият кўзгуси", "Устоз сўзи мангу машъала", "Зиёли — халқ етакчиси" каби мавзуларда үтказыши мумкин.

Шунингдек, кечада ёш мусавиirlар, ёш ҳунармандлар, ёш раққослар, ёш чеварлар кўрик-танловларини, ёш полвонлар, ёш спортчилар чиқишиларини, үткир зеҳнилар, топқирлар мусобақаларини, шеърхонлик ва мушоира үтказиши байрамга ўзгача рух бағишлиди.

5. Устоз ва мураббийлар байрамини нишонлашда үтганлар руҳини шод этишига алохидасы әзтибор бериш мақсадга мувофиқидir.

II. БАЙРАМ ҮТКАЗИЛИШИ РЕЖАСИ:

Үқитувчилар ва мураббийлар куни байрамини қуйидагича режа асосида үтказиши мумкин:

1. 1 октябрь — Үқитувчилар ва мураббийлар куни байрамини дам олиш куни байрами — дам олиш куни эканлиги.

2. Үқитувчи — улуг зот эканлиги ҳақида.

3. Үқитувчи ва мураббийлар мөхнатининг қадр-қиммати ҳақида.

4. Буюк устозлар хусусида (үқитувчилар суоласи ҳақида) гапириш:

— үқитувчиларни тақдирлаш, совғаларни бериш;

— ривоят, ҳикоялар, шеър ва куй-қўшиқлар ижро этиш;

— саҳна лавҳаларидан, спорт үйинларидан намоиш этиш;

— санъаткорлар чиқишини ташкил қилиш;

— сайр-саёҳатларга бориш;

— нафақаҳўр, фахрий үқитувчилар ҳузурида бўлиш;

— кўргазма ташкил этиш, кимошибди савдосини уюштириш мумкин.

III. БАЙРАМ САХНАСИННИ ЖИҲОЗЛАШДА КЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАРДАН НАМУНАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарларидан:

• Биздан озод ва обод Ватан қолсин.

• Келажаги буюк давлат биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.

• Илм-маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир.

• Үқитувчик — олижаноб, мўътабар касб!

• Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қаочон баҳт-саодат бўлмайди.

• Илм масканларида фагатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.

• Маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ.

• Ўз-ўзини эл ишига бағишилаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб үқитувчиларни, мўътабар

муаллимларни бундан бўён ҳам бошимизга кўтарамиз.

• Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади.

• Миллий онги, миллий ифтихори баланд миллатни ёнгиб бўлмайди.

• Устозлар — азиз юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидандир.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боб, 41-моддасидан

Бешиқдан қабргача илм изла.

(Хадисдан)

Илм ва маърифат ҳақида мутафаккирларимизнинг фикрлари:

Кимки шогирдликка чин дилидан шод,

Бир кун ўзи ҳам бўлғуси устод.

Хисрав

• Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф үқутмиш ранжила.

Айламак бўлмас адоонинг ҳақин юз ганж ила

Алишер Навоий

• Устоз билимли, шогирда — илмли

• Устоз сұхбати — жон озуидир

• Ким ёшлиқда устоз жабрин чекмас,

Ҳаётда кўп жафо чекса ажабмас.

Шерозий

• Үқитувчи ақл-заковат, меҳр-мурувват қўрғонидир.

• Үқитувчи инсон руҳининг меморидир.

• Үқитувчи ҳаёт бўстонининг бобони, наслар йўлининг чарогбонидир.

• Зиёли — элга намуна.

• Муалим — жамият кўзгуси


• Устознинг марҳамати — күёшдек ҳаммага тенг.

• Муалимнинг умри — хато тузатиш билан ўтади, шунинг учун ҳам у хато қилмаслиги керак.

РТМ маънавий-маърифий ишлар бўлими

Бугунги меҳмонимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Курбонов Хива шахрида туғилган. Хива шахридаги 8-мактабда, Урганчдаги Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртида, шунингдек, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олган. Айни пайтда, Раҳматжон Муҳиддин Кориёкубов номидаги филармонияга қарашили "Лазги" ансамблига раҳбарлик қилипти. Мумтоз қўшиклар ижро-чининги устозлар ибрати, фарзанд тарбияси, миллатни дунёга танитишда санъатнинг ўрни, она-Ватан деган тимсолнинг ягоналиги, илм қадрига етиш лозимлиги каби фикрлари эътиборга молидир. Таникли санъаткор билан сұхбатимиз ҳам ана шу каби мавзуулар теварагида кечди.

Меҳмонхона



— Мактабларимизда минг-минглаб тушунчалар (шу жумладан, мусиқадан ҳам) ўқувчилик оңиги сингдириб борилади. Куй-кўшиклар бола тарбиясида ижобий таъсир кўрсатувчи, ўзига хос восита бўла оладими?

— Албатта, "Кобуснома" да ашулачи тарбиялови хамдир дейилган. Бир сўз билан айтганда, қўшикларнинг тарбиявий ахамияти жуда катта. Аммо, санъатда бабзи салбиги жиҳатлар ҳам борки, улардан чўчимасдан иложимиз йўқ. Айни пайтда, боя эслатганимдай, аксарият ёшлар қайтариларни кўп, бир сўзи 20-30 марта тақорранаётган ашулалар тинглаб катта бўлишаёттир. Шулар билан ёшлар мияси тўлдириб ташланса, ўн йилдан кейин улардан нимада талаб қилимиз? Меросимиз канака, деб сўрасангиз, "кошингдан", "кўзингдан", "кўшиқиз" каби майдай-чўйда ашулаларни айтадилар-да, ахир. Шунинг учун бола тарбиясида энг жомз усуларни кўлласак, уларга миллий қўшиклик меросимизни ўргатсак, кўзлаган мақсадимизга, албатта, эришамиз.

— Гоҳида бабзи ота-оналар ундирид, ўстиридим, лекин фарзандларимдан меҳр-шафоат кўрмадим, деб нолиб колишиди. Бу жараёнда кимни кўпроқ айбили, деб хисоблаган бўлади. Бундай ҳолатларни қандай баҳолайсиз?

— Халқимизда "Нимани эксанг, шуни ўрасан", деган накл

— Раҳматжон! Исимда тақдирдан нишона бўлади, деб айтадилар. Сизга исмни ким танланган?

— Миллий урф-одатларимизга кўра ота-оналар ўз фарзанд-ларига яхши ва муносиб исм ахтарланлар. Фарзандлари камоли орқали мақсад-ниятларни рўёбга чиқаришни орзулашган. Албатта, улар исмларда хоҳиш-истакларни ҳам ифодаланлар, фарзандлари фақат яхшилини соғингандар. Менга ҳам ана шундай ният билан онам (худо раҳматига олган бўлсин!) исм танланганлар. Худонинг раҳмати ёғилсин, Раҳматжон бўлсин, деган маънода исмимни кўшишган.

— Қайси ёшда бўлмасин инсон, барибири, беғубор болалик дамларини эсга олади. Шу маънода ўзингиз катта бўлган шахар ва унинг одамлари ҳакида нималар дея оласиз?

— Болалик дунёсини ким хотирламайди, дейсиз? Менда ҳам ажаб таассурлар уйғонади. Қадимий ва ҳамиша навқирон Хиванинг қальварида ўйнаб катта бўлганман. Шу билан бирга болалигим Хива шахри яқинидаги қишлоқ билан боғлиқ. Ушбу қишлоқлик Шавкатиддин исмлик эшон буванинг хизматида бўлғанмиз. Эшон буванинг ўғил-қизлари бўлмагани боисидан у бизнинг кўп (13 нафар) фарзандлик оиласидан билан боғланиб қолган эди. Эсимда, устоз Комилжон Отаниёзов ҳам ҳар сафар бир жойга чиқишидан олдин бувамиздан фотиҳа олиб кетарди. Умуман, шахар ва қишлоқ одамларининг содда хислатлари, самимий мумоалалари, асосий, бағрикентликларини чуқур мамнунлик хисси билан тилга олман. Уларнинг болалигимга ошно бўлғанликлари билан фархланаман.

— Мактабдаги ўқитувчи-ларингиздан кай бирини мамнуният билан эслайсиз? Уларнинг қайси фазилатлари ёки жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтган бўлардингиз?

— Мактаб инсоннинг эсидан чикмайдиган даргоҳ. Чунки у ерда билим оласиз. Аслида қишига киши томонидан бериладиган нарса билим бўлади. Илмга эса инсон ўзи излаб эришади. Билим олмасдан туриб илмга эга бўлиш мумкин эмас. Хивада жойлашган 8-мактабда менга устозларни кўлган барча ўқитувчиларни яхши кураман. Сабаби, улардан кайсиридан маънода ўйнади. Айниска, синф раҳбари музик Озод Раҳимовнинг яхшиликлари, одамийликлари, ўқувчиликларни меҳрибонликларини синдошларимиз хали-хануз эслаб турадилар. Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртидан Озод Матеюбов, консерваториядан Ориф Алимахсумов, Ҳалима Носировларнинг устозларни салоҳиятлари хакида ҳам узок гапириш мумкин.

— Санъат соҳасига қандай кириб келгансиз?

— Санъат соҳасига кириб келишимга отам Худойберган хожи Курбонов сабабчи бўлғанлар. Хонадонимизга таънили санъаткорлар келиб турисган. Оиласизда тез-тез бўлиб турадиган санъат гурнгиларини ҳавас билан тингланаман. Ҳуллас, ўшлигимдан санъатга кўнгил кўйганман.

— Кўрик-танловларнинг

аҳамияти ҳакида нималар дея оласиз? ёш ижро-чининг элга танилишида у омил бўла оладими?

— Кўрик-танловларнинг асосий мақсади — ёшларни элга танитиш, яхши истеъодларни топиб ҳалқимизга армугон қилиш. Шу билан бирга устозларни ўйланаётган кўшикларни, миллий, ўзбекона урф-одатларни, санъатдаги қоидарни ўёбга чиқаришни орзулашган. Албатта, улар исмларда хоҳиш-истакларни ҳам ифодаланлар, фарзандлари фақат яхшилини соғингандар. Менга ҳам ана шундай ният билан онам (худо раҳматига олган бўлсин!) исм танланганлар. Худонинг раҳмати ёғилсин, Раҳматжон бўлсин, деган маънода исмимни кўшишган.

— Қайси ёшда бўлмасин инсон, барибири, беғубор болалик дамларини эсга олади. Шу маънода ўзингиз катта бўлган шахар ва унинг одамлари ҳакида нималар дея оласиз?

— Болалик дунёсини ким хотирламайди, дейсиз? Менда ҳам ажаб таассурлар уйғонади. Қадимий ва ҳамиша навқирон Хиванинг қальварида ўйнаб катта бўлганман. Шу билан бирга болалигим Хива шахри яқинидаги қишлоқ билан боғлиқ. Ушбу қишлоқлик Шавкатиддин исмлик эшон буванинг хизматида бўлғанмиз. Эшон буванинг ўғил-қизлари бўлмагани боисидан у бизнинг кўп (13 нафар) фарзандлик оиласидан билан боғланиб қолган эди. Эсимда, устоз Комилжон Отаниёзов ҳам ҳар сафар бир жойга чиқишидан олдин бувамиздан фотиҳа олиб кетарди. Умуман, шахар ва қишлоқ одамларининг содда хислатлари, самимий мумоалалари, асосий, бағрикентликларини чуқур мамнунлик хисси билан тилга олман. Уларнинг болалигимга ошно бўлғанликлари билан фархланаман.

— Чиқишиларингизда машҳур соз устаси, хушовоз хонданда Комилжон Отаниёзовни алоҳида меҳр билан тилга оласиз. Бунинг боиси нимада?

— Ёшлигимдан устозларга хурмат руҳида тарбияланганман. Агар бирор сизни танимай мумомала килса, ҳеч хафа бўлмаслик керак. Танигандан кейин у олдингиздан кесиб ўтмайди. Шу нутказ низардан Комилжон устознинг ким эканлигини яхши билардим. Хона-донимизга кўп келиб турардилар. У кишининг гапирадиган гаплари, чаладиган сози, айтадиган ашуласи бир томон, унинг чуқур билимга эга эканлиги бир томон эди. Устознинг ана шу жиҳатларини чиқишиларимда тилга олиб тураси.

ўринбосари Шариф-
бой Эргашев сўз
олиб, Хоразм вилоят
тиуманларида таш-
кил этилган Ташхис мар-
казларида олиб
борилаётган ишлар
билан танишиб чиқ-
канликларини таъ-
кидлайдилар. Нотик-
ларнинг айтишича,
туманларда бу бора-
да олиб борилаётган
ишлар бўйича икки
манзара кузатилган.
Масалан, вилоятнинг
Шовот туманида иш-
лар яхши йўлга кўйил-
гани ҳолда, Урганч
шаҳар Ташхис мар-
казида болаларни
мактабга қабул
қилиш ва ўқувчилар-
ни касб-хунарга
йўналтириш бораси-
да католикларга йўл
кўйилган. Албатта, бу
камчиликларни тез-
лиқда тугатиш чора-
ларини кўриш зарур.

Йиғилиш иштирок-
чиларда катта та


Нью-Йорк. 2001 йил 11 сентябрь, сешанба. Бутун шаҳар бўйлаб барча баравар ишга, кундалик ташвишлар билан борар жойларига шошилаётган эрталабки вақт.

7 та бинодан иборат Бутунжон савдо марказига ҳам шу ерда ишлайдиган 50 минг хизматчининг аксарияти келиб ултурган. "American Airlines" компаниясига тегишили "Боинг" русумидаги улкан ҳаво кемаси Бостон шаҳридан Лос-Анжелесга бўлган йўналишини ўзгартириб, шу марказ томон учса бошлади...



Соат 8.45. Дунёга машҳур иккى "эгизак" бино – 110 қаватли Бутунжон савдо мар-

кази минораларидан бирига келиб урилган самолёт турли кайфиятда, ўзига хос ўй-хаёллар билан иш кунини бошлаган кўплаб инсонлар хаётини бевакт тўхтатиб кўиди. Минглаб одамлар ҳатто саросимага тушишга ҳам ултурмади.



Соат 9.03.
Бир неча дакиқа олдин "бахтсиз ходиса" содир бўлганидан ажабланиб,

карахт ҳолатига тушиб қолган кишилар террорчилар ҳаракатлари рўй берадиганига ишонч ҳосил килди. Худди аввалгидай "Боинг" русумли ҳаво лайнери "эгизаклар"нинг иккинчисига келиб урилди.



Соат 9.40. Вашингтон. АҚШ мудофаа вазирлиги – Пентагоннинг бешбурчак шаклидаги биносига учинчи самолёт келиб урилди. 800 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлган портлаш натижасидаги ёнгин ярим тунгача ўчмади. Бу пайтда Пентагон биносида таъмиглаш ишлари кетаётгани боис кўпчилик иш жойида бўлмаган ва айнан уларгина баҳти тасодиф туфайли тирик колди.




Соат 9.58.
"United" компаниясига тегишили 4-самолёт "Боинг-757" Пит-

тсбург якинида ҳалокатга учради. Ердаги оператор хизматчи ушбу самолёт йўловчиларидан бирининг "самолёт террорчилар томонидан эгаллаб олингани ва у хожатхонага яшириниб уяли телефон орқали хабар берадигани"ни эштишга ултурди, холос.

Америка тарихида энг муддат кун саналаётган 2001 йил 11 сентябрь санаси ҳалқаро террорнинг хуружи жаҳон ҳамжамияти учун нақадар катта ҳавф эканлигини исботлади. Америка ҳалқи янги куни, яъни 12 сентябрни ушбу фожиа ортида минглаб, ҳатто ўн минглаб бенгуноҳ курбонлар борлигини тушиниб этиш билан бошлади. Президент Буш Фикри билан айтганда эса бу воқеа бир неча



минг кишининг умрини барбод қилди. Вақт ўтган сари курбонлар сони ортиб боргани боис, маълумотларга кўра, Пентагоннинг ўзида 800 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, кутқарув чоғида ҳам 256 нафар ўт ўчирувчи ўлган, 85 нафар полиция ходими дом-дараксиз йўқолган. Бутунжон савдо марказининг осмонўпар 110 қаватли эгизак биноларига иккита Боинг самолётлари кетмакет келиб урилганидан сўнг пайдо бўлган ёнгиндан сақланиш учун, ҳатто одамлар дeraзадан ўзларини пастга ташладилар ҳам. Аммо, шундан бир оз муд-



дент Жорж Буш
бу терракт-
ни Америка-

дат ўтиб биноларнинг кулаши оқибатида пастки қаватлардаги кишилар ҳам, савдо маркази атрофидаги кичик бинолар ҳам ер билан яксон бўлди.

Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳри шифохоналарига ҳар куни юзлаб жабр кўрганлар олиб келинмоқда. Фавкулодда штаб ватандашларига учун қон беришлари лозим. Боиси, юзлаб беморлар тезлик билан операция қилинмоқда.

КИДИРУВГА БАРЧА КУЧЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Кўшма Штатлар миллий ҳавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида прези-

дент Жорж Буш бу терракт-ни Америка-дат ўтиб биноларнинг кулаши оқибатида пастки қаватлардаги кишилар ҳам, савдо маркази атрофидаги кичик бинолар ҳам ер билан яксон бўлди.

Мамлакат Конгресси вайро-



нагарчилликларни тиклаш учун давлат бюджетидан **20 миллиард доллар** микдорида маблағ ажратди.

КЎШИНЛАР ЧАҚИРИБ ОЛИНАДИ

АҚШ мудофаа вазирлиги Пентagon раҳбарияти терор ҳаракатидан сўнг мамлакатда вужудга келган вазият хусусида шошилинч мажлис ўтказди. Маълумотларга кўра, унда асосан, мамлакатнинг ички мудофаасини кучайтириш ҳакида гап борган. Чунки, расмий Вашингтон Ракета Хужумидан Мудофаа (РХМ) тизимида ўтиборни кучайтириб, ички ҳавфсизликни назардан четда қолдирган эди. Келгусида қилинажа барча ишлар Америка ҳалқи осойиштаганини 100 фоиз таъминлашга қаратилади. Хорижий давлатлардаги кўшинларга ватанларига қайтиб келадилар.

Хусусан,
Европа-
даги

Унга кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг биттасига қилинган хужум Альянснинг барча мамлакатларига қаратилган ҳавф дея хисобланаб, бу борада кескин чоралар кўрилади ва уларнинг ҳавфсизлиги тўла таъминланиши шарт бўлади.

БМТ ҳам ҳавфсизлик Кенгаши ва Буш Ассамблеясининг йиғилишида мазкур терор акларини муҳокама этди ва жиноятчиларни топиб, жазолашда ҳалқаро ҳамжамиятни ҳамкорликка қақирди. Шунингдек, келгуси ҳафтада ўтказилиши режалаштирилган болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конференцияни номаълум муддатга ортга сурди.

ДУНЁ АМЕРИКАГА ЁРДАМ ҚУЛИНИ ЧЎЗМОҚДА

Воқеадан ларзага тушган жаҳон мамлакатлари ёрдам қўлларини Америка томон чўзмоқдалар. Айни дамда Европа Иттифоқи давлатларидан 600 га яқин мутахассислар шай турибидилар. Фақат АҚШ ҳаво дарвозаларини очса бўлгани. Масалан, Исландия ўнга яқин ўз шифокорларини, Франция 500 нафар кутқарув мутахассисларларини, шунингдек, Швеция, Ирландия, Испания, Нидерландия, Туркия ва Чехиялар ҳам ўз гуруҳларини юборишга тайёр.

Фаластин раҳбари Ёси Арафат эса ўз ватандошлари ора-



ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТ- МОҚДА

12 сентябрь куни Бутунжон савдо маркази харобалари остидан 82 та жасад топилди ҳамда 5 нафар киши ҳаёти куткариб қолинди. Нью-Йорк шаҳар ҳокими Рудольф Жулианининг айтишича, иккиси қолдиклари тагида минглаб жасадлар ётган бўлиб, тирик қолганинг имкониятлари ҳам ҳар соатда қисқарип бормоқда. Тахминларга кўра, курбонлар сони 20000 га этиши, уларнинг маълум микдорини эса хорижликлар ташкил этиши мумкин. Айни дамда одамлар қўлларида ўз яқинларининг суратларини кўтариб олишиб, кўчаларда қидириб юрибдилар.

5-МОДДА КУЧГА КИРАДИ

НАТО тарихда илк бор ўз низомида қабул қилинган 5-моддани амалиётта жорий этди.

сида жабрланганлар учун қон топшириш компаниясини ўтказётган бўлиб, ҳатто ўзи ҳам қон берди. Истроил, Россия, Кувайтларда ҳам кишилар қон топширимоддалар. Япония ва Германия давлатлари эса кўмакка тайёр турибди. Кўплаб мамлакатлар Америка ҳалқига ҳамдардлик билдири ҳамда ҳар қандай ёрдам беришга тайёрликларини маълум қилдилар.

Саҳифа ИНТЕРНЕТ
хабарлари асосида
тайёрланди.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фаластин расмийларининг маълум қилишлари, Урдун дарёсининг гарбий қирғоғидаги Женин шахрида жойлашган ҳукумат биноси яқинида истроилликлар билан юз берган тўқнашувда З нафар фаластиналлик ҳалок бўлди ва 11 дан ортиқ киши яраланди. Иерихон шахрида ҳам шунга ўхшаш кучли отишма юз берди.

Шунингдек, Яқин Шаркда террорнинг авж олишидан хавотирга тушган расмий Куддус Женин шахрида ислом экстремистик гурухлари ўз ҳаётидан воз кечган бомбист-камикадзелар ўтасида танлов ишлари олиб бормоқдалар, дея ҳисобламокда. Ушбу ҳафтада ўтказилиши кутилган Истроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ҳамда муҳторијат раҳбари Ёсир Арофат ўтасидаги учрашув кечкитирилганга ўхшайди.

Аввалги мақоламизда бошланган Манн Сигбан ва унинг ўғли тўғрисидаги фикримизни давом эттирамиз.

1922 йили М. Сигбан Упсал университетига физика профессори этиб тайинланди. Бу ерда иммий ишларни давом эттиришга қуай шароитлар бор эди.

1924 йили М. Сигбан ўз шогирдлари билан рентген нурларининг шиша призмада синишини намойиш этди. Бу тажрибани уларгача хеч ким, ҳатто шу нурлар кашфиётчиси В. Рентген ҳам бажара олмаган эди. Бу изланишлар рентген нурларининг электромагнит нурланишидан иборат эканлигига шубҳа билан қарайдиган баъзи олимларнинг "оғзини юмиб" кўйди.

"Рентген спектроскопияси соҳасида яратган кашфиётлари ва олиб борган иммий тадқиқот ишлари учун" Манн Сигбан 1924 йилги физика соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлди. У ўзининг "Рентген спектрлари ва атомлар тузилиши" деб номланган Нобел маърузаларида "рентген нурлари биз учун атомларнинг ички дунёсига назар ташлашга имкон беради. Улар атом ядрасида юз берадиган жараёнлар тўғрисидаги маълумот бераб туради", деб айтди.


Спектрографик ўлчашлар аниқлигини янада ошириш мақсадида, М. Сигбан ўз ҳамкаслари билан янги турдаги дифракцион панжаралар яратдилар. Бу панжаралар ёрдамида улар спектрлардаги янги тўлқин узунликларни ифодаловчи кўплаб чизикларни аниқладилар. Янги панжара ёрдамида олинган маълумотлар аввалги олинган натижаларни тўла тасдиқлади.

1937 йили Швеция Кироллик Фанлар академияси кошида Нобел физика институти очилди ва унинг биринчи директори этиб М. Сигбан тайинланди. У бу лаво-

Грозний шахрининг Ленин туманида жойлашган "Кизил болға" заводи ёнида Россия Федерал кучларига тегишли БТР ҳарбий техникаси жангаришлар томонидан кўйилган бомбага дуч келди. Порт-лаш оқибатида бир ҳар-

ЗАВОД ЁНИДА ПОРТЛАШ

бий хизматчи ҳалок бўлди, иккинчиси яраланди. Ундан аввалроқ озиқ-ов-қат бозори ёнида жангаришлар иккى милиционерни отиб ўлдирилар. Ҳозирда ҳар икки жиноят юзасидан қиди-рүв ишлари жорий этилди.



РУС АРМИЯСИ МАКЕДОНИЯГА БОРАДИМИ?

Кеча НАТО бош котиби Жорж Робертсон ўз армиясига юқлатилган миссиянинг иккинчи босқичи тугаётганини муносабати билан Македонияга келди.

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Россия Федерацияси албан исёнчилари кўлидаги курол-яроғларни тўплаш амалиётлари тугаётгани, Македониядаги НАТО қўшилларига ёрдам бериши истаги борлигини билдириди. Лекин бунинг учун аввало БМТ рози бўлиши шарт. Россия Ташқи ишлар вазирилиги вакилининг айтишича, Македонияда амалга оширилажак янги миссияларнинг асосий мақсади мамлакатнинг Косово ҳамда Албания билан сарҳадларини бутун сақлаб туришдан иборат бўлмоғи лозим. Македония ҳукуматининг билдиришича, ҳозир ҳам исёнчиларга чегара орқали контрабандистлар томонидан курол етказиб берилмоқда. Келгуси иккى хафтадан сўнг ҳалқаро контингент курол тўплашни тугатиб, мамлакатдан чиқиб кетишлари керак.

Nobel mukofoti sohiblari

Бир қатор ўтказилган тажрибалар асосида улар юқори аниқлиқдаги дастлабки фотоэлектрон спектрларни олишга эришдилар. Кўлга киритилган кашфиётлар натижасида К. Сигбан биринчи бўлиб атомларнинг молекулаларга бирлашишларида ҳаралашуви нағибасида электрон айланма ҳаракат қила бошлади. Бу айланарнинг катта-қичикилиги электроннинг тезлигига боғлик бўлади. Электрон қанчалик катта тезлиқда ҳаракатланса, айланана диаметри ҳам шунчалик катта бўлади. Айнан

ОТА ВА ЎГИЛ КАШФИЁТЧИЛАР

1936 йили Упсалдаги гимназияни тамомлагач, шу ердаги университетга ўқишига кирди. У бу ерда физика, математика ва кимё фанларини чукур ўрганди ва 1942 йили магистрлик даражасига эришади. 1942-51 йиллари К. Сигбан Стокгольмдаги Нобел физика институтида асистент-тадқиқотчи лавозимида ишлашиб билан бир вақтда. Стокгольм университетида радиоактив ядроларнинг бета-емирилиши (электрон чиқариш) мавзусига багишланган диссертациясини якунлади ва уни 1944 йили мувоффакиятли химоя қилиб фан доктори иммий даражасини олишга мувоффак бўлди.

Унинг дастлабки иммий ишлари электрон спектроскопиясига таалуқли бўлиб, атомлар чиқаридиган электронлар энергиясини аниқлашга багишланган бозорига эди. Бу электронлардан бозорига турли радиоактив емирилишлар вақтида юз беради.

Аниқ ўлчашлар ўтказиш учун эса, ўша вақтдаги қурилмаларнинг имкониятлари йўл бермас эди. Бу соҳада иккى ҳил усул мавжуд эди. Биринчи усулда бир жинсли магнит майдонидан фойдала-

камроқ "қўзғолган" ҳолатга ўтади. Бу ҳолда иккала ҳолатдаги энергиялар фарқи гамма-нурланишида ажралиб чиқади. Бу нурланиш ҳам ёруғлик ва рентген нурланишлари каби бўлиб, фататина энергияси ҳамда частотасининг катталиги билан фарқ қиласи.

Ички конверсия пайтида ядродан чиқарилётган гамма-нурланишлар атомни тарк этмайди, аксинча, улар ядро атрофидаги электронларни уриб чиқарди. Бу электронлар ҳам бета-нурланишда қатнашаётган электронлар оқимига қўшилиб кетади. Ядро энергетик сатҳларининг ўзгаришини ўрганиш учун эса, бу иккى турдаги электронлар оқими энергияларини аниқ билиш зарур.

Аниқ ўлчашлар ўтказиш учун эса, ўша вақтдаги қурилмаларнинг имкониятлари йўл бермас эди. Бу соҳада иккى ҳил усул мавжуд эди. Биринчи усулда бир жинсли магнит майдонидан фойдала-

шунга қараб электронларни энергиялари бўйича қисмларга ажратиш мумкин бўлади. Иккинчи усулда эса фокусловчи магнит линзасини ҳосил қиладиган магнитлар тизимидан фойдаланилган. Бу иккала усулнинг ҳам ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор эди.

К. Сигбан ўз ҳамкаслари Нильс Свартхол билан ҳамкорликда қўзиқоринсимон магнитдан фойдаланган ҳолда, электронлар дастасини иккита хил йўналишда фокусловчи янги қурилма яратдилар. Бу усул кейинчалик "қўш магнит фокуслаш" номи билан кенг тарқалди ва юқори аниқлидаги ўлчашлар имконини берди. Янги қурилма ёрдамида улар электрон спектроскопияси борасида бир қатор аниқларнинг аъзоси ҳисобланади.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика
фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика
Жамияти ҳайъати аъзоси

ҲАВО ХУЖУМИ

Рейтер агентлигининг хабар беришича, кеча Кўшма Штатлар ҳамда Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари Ироқ давлати жаҳнубидаги худудларни ўққа тутдилар. Бомбардимон вақтида кўплаб ўй-жойлар вайрон қилинган. Вазият кескинлашгани боис, ахоли ўтасида вахима ўғонган. Аммо, Америка ҳам, Британия ҳам ҳаво хужуми ҳақидаги ушбу маълумотларни қатъий рад этмоқда.

Белоруссияда бўлиб ўтган президент сайловларида ғалаба қозонган Александр Лукашенко иккинчи муддатга сайланди, дея ҳабар беради "Дойче-Велле" радио-

РЕЖАЛАР ЎЗТАЧА

си. У айни дамда ҳукумат раҳбарияти тизимида бир неча ўзгаришлар қиласи. Лукашенко келгусида мамлакат аҳолисининг турмуш тарзини ва осойиштадигини юқори даражага кўтариш ҳамда расмий Минскнинг ҳалқаро миқёсдаги нуғузини кўтариш ниятида.



дугорни олиб чаладигандек та-
ассурот уйғотади.


Ёзувчи ўз асарларини даст-
лаб араб имлосида, сүнгра ёзув
машинасида кирил алифбоси-
да ёзишини ҳам музейга қўйил-
ган кўләзмалардан билиб олиш
мумкин.

Уй-музей пойтахтнинг Юнус
Ражабий кўчасида жойлашган.
Бу ер доимо сўз устасининг мух-
лислари, ёзувчи ва олимлар, та-
лабалар, қариндошлари билан
гавжум бўлади. Томошабинлар
ҳар бир нарсани қизиқиш би-

жум бўлади. Чунки шу куни
адиб хотирасини ёд этиш ния-
тида унинг шогирдлари, бугун-
ги кунда ҳалқимизнинг севим-
ли ёзувчилари гайланган, та-
никли ёзувчи ва шоирлар,
олимлар, адабиётшунослар бу
даргоҳга ташриф буюришади.
А.Қахор ҳақидаги ширин хоти-
ралари билан ўртоқлашиша-
ди, музейдаги ҳар бир экспо-
нат тарихи ҳақида бир-бирлари
билан баҳслashiшади.

Музейга бугунги кунда Ноди-
ра Жамолова раҳбарлик қил-

АБДУЛЛА ҚАҲХОР ЎЙ-МУЗЕЙИДА



Ҳалқимиз ўз суюкли фарзан-
дини ҳеч қачон унутмайди. Улар
қаторида ажойиб инсон, ёзувчи
Абдулла Қаххорнинг ҳам ўз
ўрни бор. Унинг ёрқин номи
ёзган асарларида, адабиёт иш-
кибозларининг кўнгилларида
яшайди. Ёзувчининг номини
абадийлаштириш, унинг қандай
яшаганлиги ва иход қилганли-
гини келгуси авлодга кўрсатиш
мақсадида 1987 йилда адабиёнинг
турмуш ўртоғи, адабиётшунос
олима Кириёхоним Қаххорова
бош-қошлигига Абдулла Қаххор
уй-музейи ташкил этилган эди.

Музейда А.Қаххор ҳаётлиги-
да фойдаланган барча ашёлар,
дугор, ёзув машинаси, адаби-
нинг кўләзмалари, суратлари,
кийим-кечаклари бор. Яна экспо-
натлар қаторидан ёзувчининг
турли драматик асарларига иш-
ланган спектаклар намойиши-
га атаб нашр этилган афишалар,
адабиёнинг турли тилларда нашр
етилган китоблари ҳам ўрин
олган. Музей тўрт ҳонадан ибо-
рат. У ердаги ҳамма экспонат-
лар томошабинда ёзувчи қаер-
гадир бир фурсатга чиқкану,
ҳозир келиб яна ишини давом
эттирадигандек, ёки осиғлиқ

лан томоша қиладилар, адаби-
рухи кезиб юрган уйдан кўнгил-
ларида илиқлиқ билан чиқади-
лар.

Севимли адабимиз 17 сен-
тябрда туғилган. Агар Абдулла
Қаххор ҳаёт бўлганида 94 ёшга
тўларди. 17 сентябрь куни уй-
музей ҳар қаонгидан ҳам гав-

моқда. У киши музей экспонат-
ларини кўпайтириш, адаби-
ҳақидаги хотиralар билан муз-
еъни бойитиш мақсадида хайрли
ишлиарни амалга оширо-
мокда.

Ш.ФАЙЗУЛЛАЕВА,
**А.Қаххор уй-музейи катта
илмий ходими**

«Алломишининг қайтиши»

Ёзги таътил, мустақиллик байрами тантаналарига тай-
ёргарлик кўриш каби сабаблар билан дам олишга чиқкан
театр жамоалари яна қизғин иш фаолиятларини бошла-
дилар. Газетамизning ўтган сонида Ўзбекистон Миллий
академик драма театрининг янги таъмирдан чиқанлиги
ва янги мавсумининг ҳамма учун севимли бўлиб қолган
“Чимилдиқ” спектакли билан бошлаганлигини айтиб ўтган
эдик.

Мукимий номидаги мусиқали драма театри эса ўз мух-
лисларини Мустақиллигининг 10 йиллигига атаб са-
хналаштирилган “Алломишининг қайтиши” томошаси билан
кутиб олди.

Республика Ёш томошабинлар театрининг иходий жа-
моаси Мустақиллик байрамининг 10 йиллигини кўшалок
қувонч билан кутиб олди. Театринг истеъододли актёри ва
ўз қобилиятини режиссёрлиқда ҳам синааб кўрган санъат-
кор, томошабинлар қалбидан ўзининг бир қатор катта-ки-
чик, характерларга бой роллари билан ўрин олган Лутфулла
Саъдуллаев Ўзбекистон ҳалқ артисти увонига сазовор
бўлди.

Кечак таътил, мустақиллик байрами тантаналарига тай-
ёргарлик кўриш каби сабаблар билан дам олишга чиқкан
театр жамоалари яна қизғин иш фаолиятларини бошла-
дилар. Газетамизning ўтган сонида Ўзбекистон Миллий
академик драма театрининг янги таъмирдан чиқанлиги
ва янги мавсумининг ҳамма учун севимли бўлиб қолган
“Чимилдиқ” спектакли билан бошлаганлигини айтиб ўтган
эдик.

Мукимий номидаги мусиқали драма театри эса ўз мух-
лисларини Мустақиллигининг 10 йиллигига атаб са-
хналаштирилган “Алломишининг қайтиши” томошаси билан
кутиб олди.

Республика Ёш томошабинлар театрининг иходий жа-
моаси Мустақиллик байрамининг 10 йиллигини кўшалок
қувонч билан кутиб олди. Театринг истеъододли актёри ва
ўз қобилиятини режиссёрлиқда ҳам синааб кўрган санъат-
кор, томошабинлар қалбидан ўзининг бир қатор катта-ки-
чик, характерларга бой роллари билан ўрин олган Лутфулла
Саъдуллаев Ўзбекистон ҳалқ артисти увонига сазовор
бўлди.

Махоратли режиссёр сахналаштирган ва истеъододли ак-
тёрлар ижро этган ушбу асар томошасига нафақат ёш
томушабинлар, балки уларнинг ота-оналари, чет эллик ме-
хмонлар ва жамоатчилик вакиллари ҳам ташриф буюриш-
ди.

МУХБИРИМИЗ

Ҳалқ таълими вазирлигига
қарашли республика Ўқувчи-
лар техник ижодий маркази
йил давомида ўқувчилар ора-
сида техники ижодкорликни
ривожлантириш мақсадида
кўплаб тадбирлар ўтказиб
кељмоқда. Шундай тадбир-
лардан бирин, 10-13 сентябрь
кунлари “Ўзэкспомарказ”да
республика “Ижодкор-ихти-
рочи болалар” кўргазмаси
бўлиб ўтди.

Ёш авlodни ҳар томонлама
камол топтиришда, уларни
қасб-ҳунар эгаллашларига
имкон берувчи мактабдан
ташқари мусасасаларнинг фо-
слияти мухим аҳамиятга эга
экспонатларини республика Ўқувчи-
лар техник ижодиёти мар-
кази яхши англаб етган.

Кўргазмада Қорақалпоғис-

«ОЛТИН НИҲОЛ»

Ҳафтанинг бошида Ўзбекистон Республикасининг но-
давлат жамоат ташкилоти, имконияти чекланган хотин-қизлар ва болалар маънавият ва маърифат марка-
зида ноанъанавий “Олтин ниҳол” фестивали ўткази-
ди. Иқтидорли, лекин имконияти чекланган, ногирон
болаларнинг тасвирий санъат ва бадиий графика бўйи-
ча расмлар кўргазмаси ҳам мана шу фестиваль дасту-
ридан ўрин олди.

Фестивални Марказ директори Зухра Раҳматуллаева
очар экан:

— Бундай тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, ногиронлик тифайли имконияти чекланган шқтидорли бол-
аларни танлаб олиб, уларни руҳан кўллаб-куватлаш-
дир, — деди.

Шундан сўнг биз ҳам бевосита иштирокчилар билан
мулоқотда бўлдик. Тасвирий санъат ўнналиши бўйича
қатнашаётган Яккасарой туманинагу 73-урта мактаб
ўкувчиси Нафиса Бобохонова:

— Бундай фестивални ташкиллашириб, бизга ғам-
хўрлик қилаётган ташкилотларга раҳмат айтмоқчи-
ман. Чунки уларнинг бизга бефарқ эмаслигига ишонч
ҳосил қилдик. Энди ўзимнинг чизган расмларимга кел-
сак, Ватанимиз мустақилларининг 10 йиллигини ниго-
ҳим билан қондай кўришимни тасвирладим. Хуллас, Ва-
тан ҳақида ижод қилдим, мен ҳам, албатта, бу фести-
валда голиб бўлмаман, — деди.

Фестивални ўтказиб, савобли шига кўл урилганлиги-
ни барча қатнашчилар қалдан ҳис қилиб турдилар. Бу
ерга ташриф буюрган барчага ош тортилиди. Кейин ба-
диий қисм бўлиб ўтди. Ёш томошабинлар театри ак-
тёри, Ўзбекистон ҳалқ артисти Лутфулла Саъдуллаев
ва унинг саҳнадошларининг чиқашлари ҳаммани хуш-
нуд ўтди. “Ором” болалар гуруҳи ҳам куй-кўшиклари
билан даврага файз киритди.

Фестивалга ҳомийлик қилган республика Болалар
жамғармаси, “Фармег” фирмаси, “Авиасозлар бозори”
қатнашчиларга ўз совваларини тақдим этишиди.

Фестивалга бир қатор элчихоналардан ҳам вакиллар
келиши.

— Биз болаларга бундай ғамхўрлик кўрсатилишини
кўриб туриб бир нарсага амин бўлдикки, давлатингиз
ҳеч бир болага бефарқ эмас экан, — деди Германия эл-
чисининг биринчи котиби Франц Севалд ўз сўзида.

Шунингдек, улар ҳам ногирон болаларга ҳамма вақт

ҳомийлик қилишга тайёр эканликларини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, бундай савобли ишни ҳамма ҳам ўз ол-
дига мақсад қилиб олса арзиди.

Ш.АҲМАТОВ

Г.НОЗИМХОЖИЕВА

троника ва автоматика лойи-
халари намойиш этилди.

Экспонатларни кўздан ке-
чирап эканмиз, ногаҳон жон
куйдириб ўз ўқувчиларининг
иҳтиrolарини ҳаммага тушунтираётган устоз мураб-
бийга кўзимиз тушди. Шунда
биз суннада суннада суннада

тозуғи кўзимиз тушди.

— Биз, дейди Фаргона ви-
лояти мактабдан ташқари таъ-
лим маркази директори Шух-
рат Қирғизов, — бу анъанавий
кўргазмада бир неча йилдан
бўйн қатнашиб келаямиз,
лекин бу йилгиси шу жиҳати
билин фарқ қиласиди, ўтган
йиллари иҳтирочи болалар ўз
экспонатларини ўткоzlарига,
қизиқсан болаларга тушунти-
риб фикр алмашибга имко-
ниятни йўқ эди. Ҳозир эса бун-
дай имкониятларнинг ҳамма-
си мавжуд. Яна бир нарса
мени қувонтириди, болалар-
нинг иҳтиrolарида ўзгача бир
янгиликлар бор.

Ҳақиқатан ҳам кўргазмада
иштирок этаётган болалар-
нинг экспонатларида қандай-
дир янгилик намоён бўлди.
Ишлар мазмунида иҳтирочи-
лик сакс этди. Кимлардир бу-
ларни кўриб, янги-янги иҳти-
rolар хаёлига чўмди. Болаларни
рағбатлантириш учун
Ҳалқ таълими вазирлигининг
қимматбахо соввалари топши-
рилди.

Шерзод АҲМАТОВ,
“Маърифат” мухбири

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган
сурат.





Тошкентдаги "Юнусобод" теннис мажмуида ATP-tour тасифига киравчи Президент кубоги халқаро турнири старт олганига бир ҳафта бўлди. Шу вақт

лона юришини давом эттириб, кейинги турда юртдоши Жан Крослакни маглубиятга учратди. Яна бир вакилимиз Вадим Кузленко асосий турга саралаш ўйинларидан чиқиб келган Стефан Коубекка дастлабки учрашувда ёк ютқазиб, мухлислар сафидан жой олди. Стефан иккичи турда россиялик теннис устаси Евгений Кафельниковга рўбарў келди. Баҳсларнинг иккичи турнида энди биргина вакилимиз Олег Огородов қолганди. Аввал хабар

берганимиздек, у биринчи учрашувда ўтган йилги Президент кубоги турнирининг финалчиси Давид Сангунеттига қарши кортга тушиб, ажойиб галабани кўлга киритганди. Бу йил Олегдан юкори натижаларни кутган мухлислар ҳам бир оз таскин топганди. Унинг иккичи турдаги чорак финалга ўйлланма учун баҳси Кристиан Плес билан бўлиб ўтди. Бу учрашувда ҳам ортимиз Плесга муносиб ракиб бўлолмади. Икки сетда 6/3, 6/2 хисобида маглубиятга учраб, якка тартибдаги баҳсларни муддатидан олдин якунлашга мажбур бўлди. Олег Огородов Даниел Вацек билан жуфтликдаги учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, чорак финал ўйинларида иштирок этиди.

Факиятли давом эттироқда. Тошкентда энг кўп мухлисларнига бўлган Марат Сафин, Евгений Кафельниковлар ҳам якка тартибдаги, ҳам жуфтликдаги

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ ТУРНИРИ ЯРИМ ФИНАЛ ОЛДИДАН



мобайнида турнир иштирокчилари ўз имкониятларини яна бир бор имтиҳондан ўтказиб олди. Минглаб теннис мухлислари ажойиб баҳсларнинг шоҳиди бўлдилар. Асосий турда мусобақаларга киришган 32 нафар катта ракетка усталаридан ўтказилган уч тур натижаларига кўра, 4 нафар теннисчи кортда қолди.

Дастлабки турда ҳам ортларимиздан Дмитрий Томашевич турнирнинг учинчи ракеткаси, словакиялик Доминик Хрбатига қарши кортга тушиб. Албатта, Дима учун ракиб жиҳдий эканлиги олдиндан аён эди. Лекин учрашувда унинг имкониятлари ҳам етарли эканлиги кузатилди. Баҳтга қарши Д.Томашевич ўз имкониятларидан тўла фойдаланишга эришолмади. У кичик фарқ билан учрашувни бой берди. Д.Хрбати эса ўзининг оди-

биринчи тур учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, чорак финал ўйинларида иштирок этиди.

Деярли ҳар бир учрашувдан сўнг тенниссчилар билан журналистлар орасида матбуот конференциялари ўтказилиб борилмоқда. Бу ҳар бир турнир иштирокчисига мусобақаларга доир фикр-муоҳазаларини билдириш имкониятини бераятти. Билдирилаётган фикрларда ўзбекистонликларга хос бағрикенглиқ, меҳмондустлик ва мумоала маданияти бот-бот такорланаётгани ташкилотчилару мухлисларни руҳлантираётгани, шубҳасиз.

Азиз муштари! Президент кубоги – 2001 халқаро теннис турнири давом этаётгани боис, айрим фикр-муоҳазаларимизни, холосаларни навбатдаги сонда беришга қарор қилдик.

Ф.КАРИМОВ
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ФАРОЙИБ ФИНАЛ

Истамбулда баскетбол бўйича Европа чемпионати якунланди. Ўз тарихида биринчи бор финалгача етиб келган Туркия терма жамоаси 11000 мухлис нигоҳида сал бўлмаса чемпионлик титулини кўлга киритаётди. Югославия термасининг омади бунга йўл бермади. Ушбу баҳслар туркиялик баскетболчилар келажагигагина эмас, балки ушбу мамлакат баскетболи истиқболига ҳам кенг йўлларни очади, деба бахоламокда мутахассислар.

БИРИНЧИ ВАКИЛ ЧЕХИЯДАН

Шарқий Европа спортчилари орасида "Формула-1" автопойгаларида иштирок этиш баҳти чехиялик Томаш Энгега насиб этиди. Бугун Монце шаҳрида бўладиган "Италия Гран-при" пойгаларида у илк бор қатнашади ва Франциянинг "Прест-Асер" жамоаси шарафини ҳимоя қиласди.



1.297.500 ДОЛЛАР ДАРОМАД

Катта теннис бўйича йилнинг энг йирик турнирларидан бири "Катта дубулға" мусобақаларининг аёллар ўтасидаги баҳслари кутилмаган натижаларга бой бўлди. Финалда опа-сингил Уильямсларнинг рўбарў келиши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Нима бўлганда ҳам уларнинг ушбу мусобақалардан оилаий даромади 1297500 долларни ташкил этиди.

РАКИБ МУНОСИБ БЎЛСА

АҚШнинг Невада штатида IBF йўналишида жаҳон чемпиони унвони учун бокс жанги бўлиб ўтди. Унда қозогистонлик В.Жиров жаҳон чемпиони камарини ҳимоя қиласди. Унинг рақиби америкалик Жулиан Леттерлоу 8-раундда рингда ётиб қолди. Промуотерларнинг фикрича, агар рақиб муносиб бўлса, Жиров бошқа йўналишларда ҳам рингга чиқиши мумкин.

ЕВРОСИЁ ЧЕМПИОНИ МАРҲАМАТЛИК

Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ёшларимиз катта қулайликларга эга бўлмоқдалар. Шундай имкониятлардан бири уларнинг халқаро спорт мусобақаларида қатнашиб, ўз истеъоддларини намойиш қиласди.

Ана шундай истеъодди ёшлардан бири Андижон вилояти Марҳамат қишлоқ, фуқаролар йиғинидаги Йўлдош Охунбобоев номли 10-ўрта мактабининг собиқ ўқувчisi Сайдулло Акбаровdir.

У 1994 йили вилоят олимпиада ўринbosарлари билан юртига ўқишига қабул қилинди. Сўнгра ёнғиндан сақлаш олий мактабини битирди.

Ёш спортчи Сайдулло Акбаровга шу йил халқаро турнирларда қатнашиб бахти насиб этиди. У жангда Кирғизистон, Қозогистон, Россия, Пермь, уфалик кўл жанги усталари билан уч-

рашиб, уларни доғда қолдириди.

Яқинда эса Омска бўлиб ўтган Европа халқаро кўл жанги мусобақасида Чеченистон, Омск ва бошқирдистонлик спортчилар билан финал учрашувидан беллашди. Татаристонлик 70 килограмм вазнданни Венер Фаниевни нокаут қилиб, Евросиё чемпиони деган шарафли ном эгаси бўлди.

Республикамиз байробини баланд кўтаришига эришган Сайдулло Акбаровга мусобақа кубоги, спорт ғолиби камари ва пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, у муддатидан олдин катта лейтенант унвонига ҳам эга бўлди. Яна икки ойдан кейин у Остона шаҳрида кўл жанги бўйича ўтказиладиган жаҳон биринчилигида қатнашиб, республикамиз шарафини ҳимоя қиласди. Биз бу курашда Сайдуллого омад ёр бўлишини тилаймиз.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

Футбол ишқибозлари орзиқиб кутган кун кеди. Бугун Ўзбекистон футбол терма жамоаси Хитойда ЖЧ—2002 саралаш ўйинлари иккичи босқичидаги навбатдаги учрашувини ўтказади. "В" гурӯҳида юзага келган вазият ҳар икки терма жамоа учун ҳам ўзаро ўйинлар натижасига нака-

ган жароҳати туфайли майдонга тушмайди. Бу эса хитойликларга ёқиб тушгани, шубҳасиз. Терма жамоамиздаги иккичи ўзгариш мухлисларимизга таскин бера олади. "Локомотив" клуби таркибида чемпионлар лигасида иштирок этаётган терма жамоамиз аъзоси Владимир Маминов

ХИТОЙДА ЯНГИ ТАРКИБ

дар даҳлдор эканлиги барчага аён. Гуруҳда пешқадамлик қилаётган Хитой терма жамоаси Ўзбекистон термасини энг асосий рақиб сифатида қўриши ҳам бежиз эмас.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз вакиллари Шенъян шаҳрига терма жамоадаги майдонга тушадиган таркибида бироз ўзгаришиш киритган ҳолда ташриф буюреди. Баҳтга қарши, Максим Шаких аввалги учрашувда ол-

илк бор асосий таркибида ЖЧ—2002 саралаш учрашувларини ўтказиш учун Хитойга учиб кетди.

Учрашув Тошкент вақти билан 16:00 да бошланади. "Ву-Ли-Хе" ўйингоҳи "Пахтакор" марказий стадиони каби 60.000 мухлислар мўлжалланган. Ўйинларни ёритиб бориш учун 300 нафар халқаро ва маҳаллий журналистлар аккредитациядан ўтган.

Энига: 3. Зардустийлар динига асос соглан пайғамбар;

6. Зардустийлар пайғамбарининг ёшликтаги касби;

8. Зардустийлар дининг китоби;

9. Кичик канал;

12. Зардустий даврида "Париайтар"ларнинг эркинлиги;

14. "Авесто"ни тўлиқ таржима қилган шарқшunos олим;

16. Қадимги грек шоир Овдийнинг "Авесто" таъсирида ёзган "Метаморфаза" асаридаги бош қаҳрамон;

17. Икки томон алоқаси;

18. Зардустийлик дини тарқалган Аҳмонийлар давлатининг X-сатрапига кирган давлат;

20. Қадимда ... "қўл" беришган;

21. Зардуст тайёрлайдиган муқаддас ичимлик;

22. Зардустийликгача бўлган худолардан бирининг номи;


24. "Авесто"да тилга олинган оила бирлигининг аталиши;

27. Грек алифбосидаги ҳарфлардан бирининг айтилиши;

28. "Авесто"ни куйдиришга буйруқ берган Искандарнинг ўлимига сабаб бўлган нарса;

КРОССВОРД

"AVESTO"ning 2700 yilligiga



29. Ахура Мазданинг иккинчи ёрдамчиси "Юксак ҳақиқат ҳомийси";

Бўйига:

1. Орзиқиш;

2. Зардуст давридаги Вавилон дарвозаси;

4. Уй-рўзгор буюми;

5. "Авесто"ни биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима қилган истеъододли шоир ва таржимон исми;

7. Юрт фуқаролари;

10. Қадимги зардустийлик дини тарқалган Ўрта Осиёдаги давлатлардан

бири (Аҳмонийлар империясининг XXI-сатрапи худудига кирган);

11. IX асрга оид "Авесто"нинг 21 китобини тўла тасвирилаб берган китоб номи;

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Диагоналлар бўйича: 1. "Мерседес". 2. Гейне. 3. Чирок. 4. Биосфера. 5. Интеграл. 6. Гондурас. 7. Касса. 8. Асила. 13. Талас. 16. Даста. 21. Маданият. 22. Азот. 24. Анатомия. 25. Лион. 26. Болохона. 27. Геология. 28. Идрок. 29. Сўна. 30. Акция.

Диагонал бўйича ва бўйига: 7. Кишт. 8. Арча. 9. Сеул.

10. Ирис. 11. Асос. 12. Асад.

Бўйига: 14. Анаконда. 15. Амиробод. 17. Амазонка. 18. Геодалит. 19. Жануб. 20. Зигир. 22. Атлас. 23. Танга.

13. Зардустийлик динигача мавжуд бўлган худолардан бирининг номи;

14. Зардустга замондош бўлган яхудийлар пайғамбари;

15. Зардустнинг қизларидан бирининг исми;

16. Сарамжон;

19. "Қадимги Пафиян ва Мидияликлар динининг тарихи" китобининг муаллифи, Оксфордлик шарқшunos олим;

20. Зардустнинг Ахурамазда динини тарғиб қилиш учун яратган шеърий кўшиклар китоби;

23. Пайғамбар Зардустнинг туғилиб ўсан ва "Авесто" яратилган макон.

24. У дунёда сўрок қилувчи фаришталардан бири;

26. "Авесто"даги эркин, мўътабар одам маъносини берувчи сўз.

Ҳар бир миллатнинг юзига кўрк бағишлочи, асрлардан юқасроқ, бойликлардан афзалроқ уроф-одатлари, маънавий қадриятлари бўлади. Одатда ўзбек халқи ҳақида гап кетганда, албатта, меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, болажонлиги, андишалилигини ҳайрат ва ҳавас билан таъкидлашади. Ҳалқимизнинг бундай бебаҳо фазилатлари кишини қувонтирасида, бальзи-баъзида беҳаё сўзларни ишлатишлари эса афсуслантиради.

Бир куни Тошкентда 9-йўналиш бўйича қатновчи трамвайга чиқсан, орқа ўриндиқларда бир неча йигитлар атрофдаги кексаларга жой беришини хаёлига ҳам келтирмасдан баланд

УВОЛ КЕТАЁТГАН "ОЛТИН"ЛАР

овозда нималарнидир мунозара қилишарди. Бунинг устига ора-орада "ажойиб-ажойиб" ҳақоратлар билан бир-бирларининг етти авлодини "сийлашарди". Уларнинг "ширин" гапларини эшишиб, ёнимдаги аёллардан истиҳола қилиб тургандим, бир одам ҳозирги ўшларнинг одобсиз, беандиша бўлиб кетганини афсус билан тилга олди. Мен эса ўйланиб қолдим. Дунёга маънавият улашган юрт ворисларига бундай ишлар ярашармикан? Ёшлар-ку майли, бирок одатид ҳолдек аёлларнинг ёнида ҳам беандиша сўзларни таъриёттган катталарга нима дейсиз? Ахир доно ҳалқимиз дуо олтин дейишади. Мисқоллаб йиғилган ҳурматни арзимаган нарсалар туфайли йўқотмасдан, йўлимизда сочилиб ётган "олтин"ларни ширин сўзимизу ҳавас қилгудек одобимиз билан "териб" олсан, қандай бўларкан?


Азизжон ЭРМАТОВ,
ЎзДЖТУ ҳалқаро
журналистика
факультети талабаси

Масъулияти чекланган жамият кўринишидаги "AGRO — PARVOZ" кўп тармоқли авиация ишлаб чиқариш корхонаси устав жамғармаси 30 млн. сўмдан 11,4 млн. сўмга камайтирилганлигини эълон қиласди. Даъвалор эълон чиқсан кундан бошлаб 3 ой муддат ичига қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Железнодорожный, 1-боши берк кўча, 14-уй. Тел.: 534808.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва география факультети жамоаси шу факультетнинг "Геодезия, картография ва кадастр" кафедраси доценти Ж.Қорабоевга онаси БУВИНИСО аянинг вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2717. Тирахи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоб.
Офсет усулида босилган, қофоз бичими А-3.
Босишига топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00

Qutloq



Хурматли ҳамкашбимиз

Абдукарим МАТКАРИМОВ!

Сизни 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий табриклимиз. Вилоят таълими тизимида олиб бораётган заҳматли меҳнатларнингизга муваффақиятлар, оиласигизга тинчлик, соғлик-омонлик тийами.

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши

ВАТАН

Ватан деб жонингни фидо айлагин, Тупроғини ўпгин, кўзингга суртгин. Кушлари, сувлари, сўлим ҳавосин, Эъзозла, ардоқла, муқаддас билгин.

Ҳимматинг аяма, сен, Ватан учун, Яхши ғамларда ҳам, ёмон кунда ҳам. Ҳар фарзанд қилса гар доим ўз бурчин, Ватани олдида хор бўлмас ҳеч ҳам.

Боболар сўзига кулоқ сол бир дам, Қанчалар шукуҳ бор улуғ қалбларда. Широқ, Тўмарисдек ботир бўл албат, Ватанинг довругин тарат дунёга.

Байробин кўтариб Ўзбекистоннинг, Қадамлар ташлагин келажак сари. Дилингда мадҳия куйласин сенинг, Дадил бўл, сеники, барчаси, бари.

ТИЧЧИЛИК

Тинчлик сўзи яшар дилимда, Тинчлик сўзи янграб тилимда. Юрагимда эзгулик яшнار, Тилагимда орзудек янграб.

Машъал бўлиб онгим ёритар, Шу ёруғ сўз, ушбу кутлуғ сўз.

Жиловланиб нури сочила, Шу машъал сўз, шу йўлчи юлдуз.

Тинчлик номин тақрорлаб дилда Рӯҳим тетик, юрагим бардам. Шу сўз-ла мен нурли йўл сари, Боражакман, дўйстларим ҳар дам.

Хулкар ҲЎЖАМОВА

Ёғса ёмғир, ивисам эдим, Ёнган қалбим совуса эди. Чок-чокидан ситилган дилим, ўша жонон қовуса эди.

Ул гўзалнинг сирғаси олтин, Юзлари ой, сочи қора тун, Менинг эса юрагим дилхун, Унга бир кун топинсан эдим.

Дунё менга кенгаярмиди, Душманларим мунгаярмиди, Юраккинам ўнгаярмиди, Сочларини ёпинсан эдим.

Унинг учун борлик беғубор, Ҳамма одам яхши, беозор, Юрагинга ачин-ай ниғор, Вужудингга қотилсан эдим.

Абдулла БОБОЁРОВ,
ўқитувчи

Ma'rifat

ТАССИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумана Зар БЕКНАЗАРОВ, Йикром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҶУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАХИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Сайдулла ҲАҚИМОВ, Ўтқир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-й

Бош муҳаррир:
Халим САЙДОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъуддорлар. «Матрифат»дан материялларни кўчирив босиши таҳрири руҳсати билан амалашиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчиликар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилид. Pentium компютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Диљбар ҲЎЖАЕВА.

Навбатчи: Нурлан УСМОНОВ.